

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “13” февраль

№ПК-4189

“ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим қарорлариға ўзгартериш ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Республика миқёсида электр энергияси назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасидаги харид тартиб-таомилларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг максимал иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариға иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри

Ш.Мирзиёев



14.02.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “13” февралдаги ПҚ-4189-сон қарорига
илюва

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги “Электр энергияси ва табиий газ назорати ва хисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3384-сон қарори 9-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармогини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3981-сон қарори 4-банди кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Электр энергиясини хисоблаш қурилмаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 2022 йил 1 январга кадар ушбу қарор доирасида “Ўзбекэнерго” АЖ билан тузилган шартномалар бўйича етказиб бериладиган электр энергиясини хисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бутловчи қисмлар, хомашё ва материалларни олиб кирганлик учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йигимлар бундан мустасно), шунингдек, мазкур электр энергиясини хисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотища қўшилган қиймат солиги тўлашдан озод этилсин”.

